O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 18 октябрь ЧОРШАНБА

№ 84 (11.887)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

ДУНЁ ПАХТА БОЗОРИ – ЯНА ТОШКЕНТДА

Тошкентда очилган II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида дунёнинг 36 мамлакатидан келган 250 дан ортиқ компания вакиллари иштирок этмоқда. У Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси, бу соҳада энг нуфузли "Cotton Outlook" журнали, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази кўмагида ташкил этилди.

Тошкентда Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг анъанавий тарзда ўтказилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, шу жумладан пахтачилик соҳасидаги ўзгаришларнинг натижасидир, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ярмаркани очар экан. Ярмарка биринчи марта 2005 йилда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, мамлакатимизда пахтани ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Ўтган йилга нисбатан ярмаркага келган хорижий ишбилармон доиралар вакилларининг сони ортгани Ўзбекистоннинг жаҳон пахта бозорининг етакчи иштирокчиси сифатидаги нуфузи ошганлигига яққол далилдир. 2005 йилда унда 30 мамлакатдан 169 саноат ва савдо фирмаси вакили қатнашган эди. Мамлакатимиз пахта экспорти бўйича дунёда иккинчи, уни ишлаб чиқариш бўйича бешинчи ўринни эгаллаши билан бир вақтда, ўзбек пахтаси ўзининг юқори сифати билан жаҳоннинг турли минтақаларида машҳурдир. Бу йил бунёд этилган 3 миллион 600 минг тонналик хирмон ҳам ана шу муҳим жиҳати билан ажралиб туради. Айнан 2006 йилги пахта толаси ярмаркада савдо ва шартномалар тузиш учун асосий маҳсулот бўлади ва ўзбек пахтасининг жаҳон бозорига янада жадал кириб бориши ва келажакда барқарор иқтисодий алоқалар яратилиши учун самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ҳар қандай маҳсулот аввало рақобатбардош бўлиши керак. Сўнгги йилларда бизнинг тола ҳам тоифаси, ҳам микронейри бўйича энг сифатли деб эътироф этилаётгани ва шу боис айниқса юксак қадрланиши – Президент Ислом Каримовнинг пахтачилик соҳасига оид фармон ва қарорларининг амалга оширилиши доирасида ўтказилган таркибий ўзгаришлар самарадорлиги натижасидир. Мамлакатимизнинг бу соҳадаги сиёсати барқарор ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаш ва ўзбек пахтасининг минтақавий ва халқаро савдоси учун рақобат муҳитини яратишга асосланган.

Бозор ислоҳотлари давомида пахтани етиштириш ва қайта ишлашга ёндашув ўзгарди. Селекциячилар янги навларни яратишда, биринчи навбатда, бозор талабини ҳисобга олмоқда. Бугун республикада асосан тезпишар, тола чиқиши 40 фоизгача бўлган навлар районлаштирилган. Тегишли дастурни амалга

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: ярмарка фаолиятидан лавҳа. **Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.**

Эътироф





ТУБ БУРИЛИШ ПАЛЛАСИ

Икки йилдирки, мамлакатимизнинг азму шижоатли, омилкор, лафзи ҳалол деҳқонлари 3 миллион 600 минг тонналик пахта хирмонини бунёд этиш шартномасини ғоят қисқа муддатда – октябрь ойининг биринчи ярмидаёқ муваффақиятли уддалаб, меҳнат зафарини тантана қилаётирлар. Айни кунларда заҳматкаш бободеҳқону фермерлар, моҳир сувчи-ю теримчи, уста механизаторлар каби тармоқ кишилари қаторида бутун мумлакат аҳли ғалаба нашидаси билан яшаяпти, десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, эришилган катта зафар шу эл, шу замин, шу муқаддас Ватан меники деб, унинг эртанги истиқболи, равнақи йўлида ёниб яшовчи юртдошларимизга бевосита дахлдордир.

Айниқса, республикамиз Президентининг куни кеча Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида баракали ҳосил бунёдкорларидан тортиб, йиғим-терим иштирокчиларининг шаънига айтилган самимий миннатдорчилик сўзлари, билдирган эзгу тилак ва истаклари замирида ҳалол меҳнат ва эл-юрт бойлигини яратиш йўлида чекилган сидқидил заҳматлар эътирофи мужассам эканини кишини руҳлантиради. Унда таъкидланганидек, илгари тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай марралар қўли қадоқ, заҳматкаш деҳқонларимизнинг йил давомида кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган машаққатли меҳнати, ғайрат-шижоати ва қатъиятлилиги ҳисобидан қўлга киритилганини барчамиз яхши тушунамиз ва қадрлаймиз.

Шу ўринда бу юксак эҳтиром бевосита вилоятимиз деҳқонларига ҳам тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларнинг бу мавсум эришган муваффақиятлари нафақат вилоятимиз, балки бутун мамлакат миқёсида эътироф этилаяпти. Пойтахт вилояти пахтачиликда қаддини қайта тиклаб, туб бурилиш босқичига етгани, деҳқонларда қайта ишонч ва умид уйғотгани таъкидланаяпти. Соҳа мутахассисларининг баҳо беришича, бундай баракали ҳосилни бу қадар барвақт етиштиришга, уни катта уюшқоқлик билан қисқа ва қулай фурсатда саранжомлаб олишга муваффақ бўлингани вилоятимиз пахтачилик тарихида ҳали кузатилмаган эди.

Дарҳақиқат, бунга ишонч ҳосил қилиш учун узоққа бормай, ўтган йиллар манзарасини бир эслаш кифоя. Теримда белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини тўғри йўлга қўйиш, муаммоларни оқилона ҳал этиш, тармоқни назорат ва тасарруф этиш ҳамиша ҳам эътиборда бўлмаслиги, энг муҳими, масъулиятли паллаларда муҳим масалаларга панжа ортидан қаралиши оқибатида, ё ҳосилнинг салмоқли қисми етилмасиданоқ нобуд бўларди, ёки деҳқон пешона теридан яралган бойлик ёғинсочинли кунларга қолиб, бой бериларди. Айниқса, йиғим-терим мавсуми чўзилгандан чўзилиб, меҳнаткашлар ҳаловатини йўқотар, деҳқонлар саросимада қолар, ишдан кўнгли совиб, ҳафсаласи пир бўларди. Йилни фойда билан якунлаганлардан кўра зарар кўрганлар кўп бўларди.

Бу мавсум бундай ҳолга вилоятимизда батамом чек қўйилди, дейиш мумкин. Пахтакорларимиз чекига тушган 275 минг тонналик «оқ олтин» хирмони ғоят саноқли кунларда – ўтаётган ойнинг бошидаёқ бунёд этилди. Умуман, ҳозиргача вилоятимизда давлатга сотилган хом ашё 302 минг 500 тоннадан ошиб кетди. Ўтган йилнинг худди шу пайтида бу рақам 253 мингнинг нари-берисида эди. Ундан аввалги йиллардаги абгор манзара хусусида тўхталиб ўтишга хожат йўқ. Деҳқонларимиз ўша йиллар сабоғини шундоқ ҳам яхши эслашади.

Айтиш мумкинки, режа маррасини илғорлар сифатида босиб ўтган Чиноз, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Бўка, Бекобод каби йирик пахтакор туманларда бугун пахтачиликда чинакам тажриба эгалланди, интилиш ва ташаббускорлик муҳити барқарор шаклланди, деҳқонларда ерга, меҳнатга манфаат билан ёндошиш туйғуси даврга мос тарзда тобланди. Бу туманларда бугунги кунга келиб қабул пунктлари билан тузилган контрактация шартномалари 110-120 фоиздан ошириб адо этилди. Мисол учун, оққўрғонлик пахтакорлар давлатга 45 минг, бўкаликлар 44 минг, бекободликлар 43 минг, қуйичирчиқликлар 41,5 минг тоннадан ортиқ сифатли хом ашё сотиб, мавсумда рекорд даражага эришдилар. Иқтисодий самарадорлик ҳам ғоят юқори бўлди. Буни қарангки, тармоқда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар вилоятимиздаги бир қатор туманлар, хусусан, Пскент ва Янгийўлни ҳам қолоқликдан халос этди. Бу йил бу туман деҳқонлари сурункали муваффақиятсизликларга чек қўйиб, зафар қучдилар.

– Мавсумда эришган муваффақиятимиз қувончига Юртбошимизнинг биз – пахтакорларга йўллаган табрикномаси қанот бахш этди, – дейди Оққўрғон туманидаги «Толмас» фермер хўжалиги раҳбари Абдуҳалил Мирзаев. – Президентимиз заминдорларга катта ишонч билдириб, мавсумда фермерлик ҳаракатининг устуворлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этганини яна бир бор таъкидладилар. Дарҳақиқат, биргина бизнинг туманимизда бу йил етиштирилган ҳосилнинг қарийб 80 фоизи фермерлар улушига тўғри келди.

Вилоят бўйича оладиган бўлсак, бу йил тармоқдан келадиган даромад 102 миллиард сўмдан ошиши кутилаяпти. Бу – чинакам меҳнат натижаси, бу – деҳқоннинг юзи ёруғ, бири икки бўлганидан далолат. Бу – деҳқони бойиётган юртнинг эли тўқ, фаровон ҳаёт кечириши муқаррар эканлигининг исботи. Бу – энди қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқлар обод бўлиши, одамларнинг маиший шароити яхшиланиши, кенг ва равон йўллар, кўплаб ижтимоий объектлар қурилиши, таъмирланиши учун мустаҳкам асос – молиявий қудрат юзага келди, дегани.

Бинобарин, Юртбошимиз табригида ишлаб чиқариш тармоқлари, иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи соҳаси бўлмиш қишлоқ хўжалигида иш унуми ва самарасини ошириш асосида биринчи навбатда қишлоқ ҳаётини янги босқичга кўтариш, шу заминда яшаётган одамларнинг оғирини енгил қилиш вазифалари бундан буён ҳам давлатимиз, ҳукуматимизнинг доимий эътибор марказида бўлиши алоҳида таъкидланган.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН БОШЛАНДИ

Тошкентда полимерлар кимёси ва физикасининг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро конференция ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти Юқори молекуляр бирикмалар илмий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон ва Тожикистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этаётир.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш. Солиҳов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан жамиятнинг барча жабҳалари қатори илм-фан тараққиётини янада ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш, яратилаётган янги ихтиролардан амалда оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Синтетик ва табиий полимерлар кимёси, физикаси ва технологияси соҳасидаги етакчи илмий муассаса – Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бу борада кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Янги ишланмалардан жамиятимизнинг турли жабҳалари, жумладан қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, экология, саноат, фармацевтика соҳаларида самарали фойдаланиляпти.

Икки кунлик анжуманда ушбу йўналишда мамлакатимиз ва жаҳон илм-фани эришаётган ютуқлар, яратилаётган янги технологиялар, юқори молекулали бирикмалар синтези, тузилиши ва хоссаларига оид янгича ёндашувлар, тиббий-биологик ва махсус полимерлар яратиш борасидаги изланишларга оид маърузалар тингланади. Янги хоссаларга эга материаллар яратиш, мавжуд технологик жараёнларни такомиллаштириш, жаҳон бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан бойитишда илм-фаннинг ўрни ва роли юзасидан фикр алмашилади.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Мавзуга қайтиб

КОМИССИЯ ХОЛИС БЎЛСА

Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида келиб чиққан бир сарсонгарчилик хусусида

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2005 йил 14 сентябрь сонида «Адолат қарор топиши осон бўлмайди» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш мобайнида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари танқид қилинган эди. Ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 12-контурдаги ер майдони танловини ўтказишдаги нохолислиги, бир томонламалик оқибатлари очиб берилган эди.

Шундан кейин орадан бир йил вақт ўтди. Лекин суяги дала ишида қотган, пудратчи сифатида ҳам пахта, ҳам ғалла етиштириш шартнома мажбуриятларини ҳамиша бажариб келган Абдукарим Йўлдошевнинг ўз фермер хўжалигини барпо этиш йўлидаги сарсон-саргардончиликлари ҳамон тугагани йўқ.

Масаланинг моҳияти: 12-контурдаги экин майдони танловга қўйилганида уч даъвогар ҳужжат топширди. Танлов комиссияси «Юсуф ота» фермер хўжалиги раҳбари Ғафур Юсуповни ғолиб деб топди. Энг кам балл тўплаган Абдукарим Йўлдошев қайта ташкил этиш комиссиясининг бу қароридан норози бўлиб, суд-ҳуқуқ идораларига мурожаат қила бошлади.

У ўз аризаларида талабгор Ғафур Юсупов сохта ҳужжатлар тақдим этганлиги, шу ҳисобдан ортиқча балл тўплаганлиги ҳақида ёзарди. Ниҳоят, вилоят адлия бошқармаси 2004 йил 12 апрелда қайта ташкил этиш комиссиясига 12-лойиҳавий контурдаги ер майдонида фермер хўжалигини ташкил этиш учун ўтказилган танлов ишларини қайта кўриб чиқиш юзасидан тақдимнома киритди. Комиссия раиси Мадамин Маҳсудов яна ўз билганича иш тутди, 2004 йил 21 апрелда шу тақдимнома талабига кўра комиссия мажлисини «ўтказди». Аввало, бу мажлисда комиссиянинг ўн беш аъзосидан ўн бир киши иштирок этмади. Баённомани расмийлаштиришда бошқа сохтакорликларга ҳам йўл қўйилиб, Ғафур Юсупов танлов ғолиблигича қолдирилди. Бу мажлисга Абдукарим Йўлдошевни чақиришни ҳам лозим топишмади.

Табиийки, навбатдаги бу адолатсизлик талабгорда ноқонуний хатти-ҳаракатларга эътирозни кучайтирди. У ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашиб, фуқаролик ишлари бўйича туман судига мурожаат қилди. Лекин бу идорада ҳам юзакичилик, эътиборсизлик кўрсатишди. Абдукарим Йўлдошевнинг ҳақлигини далилловчи, қонуний қарорга келиш учун асос бўлиб турган ҳужжатларни инобатга олишмади. Шундан кейин у фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят, бу суд идораси 2005 йил 13 апрелда «Деҳқонобод» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 12-контур бўйича илгари қабул қилган барча қарорларини бекор қилиб, қайта танлов ўтказиш ҳақида ажрим чиқарди.

(Давоми 2-бетда).

Шу йилнинг 26 октябрь – 6 ноябрь кунлари соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз футболининг оммавийлигини ошириш мақсадида «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари таҳририяти соврини учун республика журналистлари ўртасида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб мини-футбол бўйича 2-анъанавий турнир ўтказилади.

МАЙДОНДА... ЖУРНАЛИСТЛАР

Ушбу анъанага ўтган йили Фарғона вилоятининг Яйпан шаҳрида асос солинганди. Илк бор ўтказилган оммавий турнирда 19 та жамоа иштирок этганди. Бир ой ўтиб-ўтмай, анъана Тошкентда – журналистлар ўртасида давом этди. Унда 14 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Хайрли анъана бу йил иккинчи бор яна Яйпанда ўтказилди. 16 та жамоа ўртасида деярли уч ҳафта давом этган мусобақаларда стадион томошабинлар билан тўлиб-тошди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди. Энди эса одатга кўра анъана яна пойтахтда давом этаяпти.

Ғолиб ва совриндорлар 11 та йўналиш бўйича тақдирланади.

ДИЛДОРА ОРЗУСИГА ЭРИШДИ

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан сезиларли ишларни амалга оширди. Шу йилнинг ўтган даврида 87 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда кўплаб корхона ва ташкилотлар ўн мингга яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ушбу ярмаркаларда мингга яқин аёл, салкам икки минг нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

– Шаҳримиздаги тиббиёт коллежини битирганимга бир йилдан ошган бўлса-да, кўнглимдагидек иш тополмай юрган эдим, – дейди янгийўллик Дилдора Убаева. – Яқинда бўлиб ўтган меҳнат ярмаркаси туфайли орзуимга эришдим. Айни пайтда шаҳар марказий шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаяпман. Ўз ишимдан мамнунман.

ЎзА.

ДУНЁ ПАХТА БОЗОРИ – ЯНА ТОШКЕНТДА

ошириш давомида фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш корхоналарини қайта жиҳозлаш давом этмоқда. "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг 60 та пахта заводида модернизация амалга оширилди, бу эса тола чиқиши ва сифатини ошириш имконини берди. Толани синашнинг дунёдаги энг илғор услуби HVI-тест ҳисобига уни сертификатлаш механизми халқаро стандартлар даражасига етказилди. Экспорт тизими такомиллаштирилмоқда. Жаҳон тажрибасида қабул қилинган ҳисоб-китоб шакллари ва услублари жорий этилди, ташқи савдо компанияларига ўз маркетинг сиёсатини мустақил белгилаш ва жаҳон бозоридаги нархлардан келиб чиқиб пахта толасини сотиш ҳуқуқи берилди. Эндиликда истеъмолчиларга маҳсулотни жўнатиш фақат ҳудудий пахта терминаллари орқали амалга оширилмоқда.

Бу чораларнинг ҳаммаси экспорт бозорлари географияси кенгайишига таъсир қилди. Бугун пахта толаси Ўзбекистондан Хитой, Россия, Эрон, Бангладеш, Покистон, Корея Республикаси, Вьетнам ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Жануби-Шарқий Осиёда жадал ривожланаётган тўқимачилик саноатининг ўзбек пахтасига эҳтиёжи мунтазам ошиб бормоқда. Бу галги ярмаркада шу минтақадан қатнашаётган трейдерларнинг кўплиги ҳам буни тасдиқлайди.

Айни пайтда Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланиши толани ўзимизда қайта ишлаш салмоғини ошириш заруратини туғдирмоқда. 2008 йилга келиб унинг ҳажмини 50 фоизга етказиш режалаштирилмоқда, бу эса мамлакатимиз тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва пировардида умумий экспорт кўрсаткичларини ўстиришга хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистон пахтани ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш соҳасидаги халқаро хўжалик муносабатларининг энг фаол иштирокчилари қаторига киради, деб таъкидлади ярмарканинг очилиш маросимида пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси ижрочи директори Терри Таунсенд. Ўзбек пахтасининг жозибадорлиги ошмоқда, таркибий ўзгаришларни бошидан кечираётган Ғарб ва Шарқ бозорларида унга талаб ортмоқда. Бу нарса Тошкент ярмаркаси ташкилотчилари томонидан ҳисобга олинган ва бу ерда қатнашчиларнинг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган.

"Cotton Outlook" журнали бош муҳаррири Рэй Батлер иштирокчиларни 2006-2007 йил мавсумида жаҳон бозорида пахта нархлари прогнози билан таништирди. У II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида катта қизиқиш билан қатнашаётганини айтиб ўтди. Ўзбекистоннинг экспорт имиджини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинди. Энди, жаҳон бозорида кучаяётган рақобат шароитида, ўзбек пахтасининг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ва уни янада ошириш зарур.

Хитой пахта уюшмасининг бош котиби Ванг Джианхонг Хитой бозорида ўзбек пахтасининг истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

– Ярмаркада қатнашиш ишбилармон доираларимизга ўзбек ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш имконини беради, – деб таъкидлади Ванг Джианхонг. – Аминманки, бу ҳамкорлик жуда самарали бўлади. Ўзбек пахтаси – дунёда энг сифатлилардан бири, шу сабабли Хитой ишлаб чиқарувчилари ва трейдерлари шартномалар тузиш ва уни кўпроқ сотиб олишдан манфаатдордир.

Ярмарка дастури жуда ранг-баранг бўлиб, унинг марказий тадбирлари – тўғридан-тўғри савдоларнинг ўтказилиши, шартномалар тузиш юзасидан музокаралар олиб бориш ва битимларнинг имзоланишидан иборат. Асосий воқеалар "Ўзэкспомарказ"нинг махсус тайёрлаб қўйилган павильонида рўй бермоқда. У халқаро ярмарка стандартларига мувофиқ жиҳозланган бўлиб, ахборот стендлари ўрнатилган. Бу ерда катта кўргазма ташкил этилган. Унда мамлакатимиз пахтачилари харидорларга ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Эътиборли томони шундаки, ярмарка қатнашчилари кўргазмада бу йил республика пахта заводларида ишлаб чиқарилган 1200 туркум толанинг ҳар бири намуналари билан танишиш ва сифат жиҳатидан ўз эҳтиёжларига мос тойларни танлаб олиш имконига эга.

Анна ИВАНОВА,
Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бунёдкорлик

Бўка тумани йўл қурилиши ва таъмирлаш корхонаси жамоаси мавжуд катта-кичик йўлларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ёзнинг жазирама иссиғида ҳам, қишнинг аёзли кунларида ҳам тиним билмай давом эттиради. Бу соҳа бўйича туманнинг бош пудратчиси ҳисобланган йўлсозлар Ҳомийлар ва шифокорлар йилида айниқса, самарали ишламоқдалар. Зиммаларига юклатилган масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажаришяпти. Шу йилнинг бошидан бери йўлларни таъмирлаш бўйича 200 миллион сўмликдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди.

Корхона жамоаси туманда ташкил этилаётган турли хайрия тадбирларида ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан, кам таъминланган оилаларга ёрдам сифатида ҳамда туман тиббиёт тармоғини ривожлантириш учун сал кам 400 минг сўм маблағ ажратилди.

СУРАТДА: *корхона механиги Аҳмаджон Бердиев (ўнгда) илғор автогрейдерчи Фиёс Калимулин билан навбатдаги вазифалар юзасидан суҳбатлашмоқда.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

«Ангрентаъмирсервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари буюртмачиларнинг диди ва талабига мос келмоқда.

Ўтган йилнинг май ойидан фаолият юритаётган бу ташкилот йил охиригача шаҳардаги академик лицейда, шунингдек, Ангрен кийим бозорида кенг кўламли қурилиш-монтаж ва реконструкция ишларини амалга оширди.

Жорий йилда Ангрен деҳқон бозорида ҳам мазкур ташкилот қурувчилари томонидан катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Жумладан, шу кунгача гўшт маҳсулотлари павильони замонавий кўринишда таъмирланди. Ҳудудда янги милиция таянч пункти бинои қуриб битказилди. Шунингдек, учта савдо дўкони ва қатор маиший хизмат шахобчалари фойдаланишга топширилди.

– Бозор маъмуриятининг буюртмасига биноан йил охиригача бажариладиган иш ҳажми 20 миллион сўмни ташкил этади, – дейди ташкилот раҳбари Дилшод Мамадалиев биз билан суҳбатда. – Бундан ташқари, шаҳардаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш, иншоотлар ҳудудларини панжара деворлар билан ўраш бўйича ҳам буюртмалар қабул қилаяпмиз. Кам даромадли оилаларнинг, ёлғиз қарияларнинг мурожаатлари асосида таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини имтиёзли олиб борамиз.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ:

БУГУН ВА ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон Фанлар академияси Замонавий информацион технологиялар илмий-техникавий маркази ташаббуси билан ахборот технологияларининг ривожланиш истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон нефть-газ саноати илмий-муҳандислик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари билан бирга, Россия Федерацияси етакчи илм-фан ва ишлаб чиқариш муассасалари вакиллари иштирок этди.

Замонавий информацион технологиялар илмий-техникавий маркази бош директори О. Набиев мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан оқилона фойдаланиш, улғайиб келаётган авлоднинг бу борадаги билим ва кўникмаларини муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ушбу йўналишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани жамиятимизни ахборотлаштириш жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қиляпти.

Анжуманда ушбу йўналишда илм-фанимиз эришаётган ютуқлар, мамлакатимизда жамиятни ахборотлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, глобаллашув шароитида ахборотни ҳимоялаш ва унинг хавфсизлиги муаммоларига бағишланган маърузалар тингланди. Бу борада жаҳон илм-фани эришган ютуқларни ўзлаштириш самараси, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Б. ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЕР КАДАСТРИ

Ўзбекистонда ер кадастрини тузиш лойиҳасининг учинчи фазасини амалга ошириш бўйича Нидерландиянинг "DHV BV" компанияси бошчилигидаги халқаро консорциум ташкил этилди.

Ўзбекистон ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасидан маълум қилишларича, лойиҳанинг умумий мақсади – бозор иқтисодиётининг ўзига хос томонларини инобатга олиб ер тизимини рўйхатга олиш жараёнини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Мутахассисларнинг фикрича, лойиҳани амалга ошириш мулкчилик ҳуқуқларини рўйхатга олишни янада такомиллаштиради. Икки йилга мўлжалланган мазкур лойиҳа Европа Иттифоқи томонидан тасдиқланган TACIS дастури томонидан молиялаштирилади. Шартнома баҳоси 1 миллион 450 000 еврога тенг.

Лойиҳанинг мақсади марказий ва маҳаллий миқёсда ерни рўйхатга оладиган янги ташкилотни ташкил этиш. Шу тариқа, тўлиқ ҳисобга олинмай қолиш ёки такроран рўйхатга олишга чек қўйилади

Янги тизим мулкчилик иншоотлари ва уларга бўлган ҳуқуқни рўйхатга олишдан ташқари, давлат томонидан кафолат асосида рўйхатга олинадиган мавжуд ва келгусидаги мулкий ҳуқуқларни рўйхатга олиш, шунингдек, мулк бозорини кирийидек фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар, тегишли ипотека тизимини яратиш билан шуғулланади.

Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА,
«Туркистон-пресс».

Мавзуга қайтиб

КОМИССИЯ ХОЛИС БЎЛСА

Лекин Бекобод туманида бу қарорни бажаришни ҳам узоқ муддат пайсалга солишди. Бундай эътиборсизликнинг ўз сабаблари бор эди. Гап шундаки, бўлажак қайта танловни аввал бошиданоқ ҳамма ишларни чалкаштирган Мадамин Махсудов ўтказиши керак эди. Шу боис у қайта танлов ўтказишни уч ой чўзди. Бундан норози бўлган Абдукарим Йўлдошев туман ва вилоят ҳокимликларига мурожаат қила бошлади.

Тугатиш комиссияси раисининг туман ҳокимига 2005 йил 8 июлдаги хатидан: «Ҳозирги кунда «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги қайта ташкил этиш комиссиясини йиғишнинг имконияти йўқлиги ва бу масалани бир неча марта муҳокама қилиб, қабул қилган қарорлари фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди томонидан бекор қилинаётганлигини инобатга олиб, қайта танловни туман фермерликка танлов ўтказиш комиссияси томонидан ўтказиб беришингизни сўрайман».

Эътибор беринг: вилоят суди танловнинг биринчи ва иккинчи босқичларида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ва қайта танлов ўтказиш юзасидан 2005 йил 21 апрелда ажрим чиқарган. Лекин комиссия раиси ҳокимликка 8 июлга келиб топширган хатида ўша ноқонуний қарорлар гўёки энди «бекор қилинаётганлиги» ҳақида ёзмоқда. Бу сансалорлик давом этиб келаётганлигини яшириш, ҳокимнинг фикрини чалғитиб, пировардида масалани ўзлари хоҳлаган хулоса билан якунлашга уриниш эмасмикин?

Ўз фермер хўжалигини тузишни мақсад қилган Абдукарим Йўлдошевга ер майдони ажратиш масаласини ҳал қилишнинг кейинги жараёнлари бу фикрни тасдиқлайди. Туман ҳокими 2005 йил 17 августда Жумабозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан фуқаро Абдукарим Йўлдошевга фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарорни имзолади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аммо Абдукарим Йўлдошевнинг қувончлари яна сароб бўлиб чиқди. Аввало, ҳокимнинг бу қарорини бажариш ҳам пайсалга солинганлигини таъкидламоқчимиз. Буни «Юсуф ота» фермер хўжалиги ҳосилни йиғиштириб олиши лозимлиги билан изоҳлашди. Ҳосил йиғиштириб олингач, эса... туман прокурори А. Маҳмудов 14 ноябрь куни ўша кезлари ҳоким вазифасини вақтинча бажарувчи М. Сайдуллаевга туман ҳокимининг 17 августдаги 209-қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритди. Чунончи, вилоят судининг ажримида таъкидлаб кўрсатилганидек, танлов эълон қилинмаганлиги, комиссия якуний йиғилишининг баёни тузилмаганлиги, тегишли меъёрий ҳужжат талаблари бузилганлиги каби ҳолатлар сабаб қилиб кўрсатилди. Икки йилдан ортиқ вақтдан буён Абдукарим Йўлдошев билан тузук-куруқ гаплашмасдан, масалани моҳият жиҳатидан ўрганмасдан, унинг мурожаатларини жавобсиз қолдириб келаётган туман прокурининг «Юсуф ота» фермер хўжалиги раҳбари Ғафур Юсуповнинг ҳоким қарори устидан норозилик билдириб ёзган аризасига бунчалик ҳозиржавоблиги кишини таажжублантиради. Қисқаси, муаммо тугунига қайси томондан ёндошманг, калаванинг учи битта бўлиб чиқаверади.

Вилоят прокурининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Б. Хўжаевнинг Абдукарим Йўлдошевга 2006 йил 17 февралдаги жавоб хатидан: «Бекобод туман ҳокимининг 2005 йил 24 ноябрь кунги 271-қарори билан туман прокурининг протести қаноатлантирилиб, фермер хўжалигини қайта ташкил этиш юзасидан қайта танлов эълон қилинган. 2006 йил 6 январь куни ўтказилган тендер натижасига кўра 12,1 гектар ер майдони туман ҳокимининг 13 январь кунги 12-қарорига биноан фуқаро Ғ. Юсуповга бириктирилган. 2006 йил 8 февраль куни аризаларингиз асосида вилоят адлия бошқармаси Бекобод туман ҳокимига 2006 йил 4 январь кунги қарор, 6 январь кунги баённомалар ва 2006 йил 13 январь кунги қарорни бекор қилиш, 12-лойиҳавий контур бўйича қайта танлов ўтказиш бўйича тақдимнома киритди».

– Ўша танловни ҳам оқилона, қонун талаблари асосида ўтказишмади, – эслайди Абдукарим Йўлдошев. – Туман комиссияси Ғафур Юсупов тақдим этган ҳужжатларнинг қалбакилигини ҳам, адлия бошқармасининг тақдимномаларию вилоят судининг ажримида кўрсатилган асосларни ҳам инобатга олмади. Ҳолбуки, 12-контур бўйича танловга Ғафур Юсупов тақдим этган ҳужжатлар қалбаки, маълумотлар сохталаштирилган эди.

Вилоят прокуратурасининг прокуратура органларида терговни назорат қилиш бўлимининг бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Искандар Усмоновнинг А. Йўлдошев аризасига 2006 йил 13 май куни юборган жавобидан: «Сизнинг «Деҳқонобод» ширкат хўжалигини қайта ташкил қилиш жараёнида содир этилган қонунбузилишлар юзасидан туман прокуратураси томонидан қонуний чора кўрилмаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризангиз тўпланган ҳужжатлар билан ўрганиб чиқилди. Мазкур масала юзасидан фуқаролар Рисолат Юсупова ва Ихтиёр Усмоновларга нисбатан Бекобод тумани прокурининг ўринбосари Р. А. Қўчқоров томонидан 2006 йил 12 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 2-қисм 1-бандига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори бекор қилинди ва тўпланган ҳужжатлар қўшимча терговолди текширув ҳаракатларини ўтказиш ҳамда қонуний қарор қабул қилишни таъминлаш учун Бекобод тумани прокуратурасига юборилганлигини маълум қиламан».

Кўриниб турибдики, бир томондан юқори суд-ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари масалага қонунан ёндошиб, муаммони адолатли ҳал қилиш, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга уринаяпти, иккинчи томондан, маҳаллий суд-ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг масъул ходимлари жойлардаги амалдорлар билан муаммони яна ҳам чигаллаштираяпти, қонунбузилишлар, адолатсизликларга чек қўйишда, юмшоқ қилиб айтганда, «эътиборсизлик» қилишяпти. Натижада, йиллар ўтиб бораяпти-ю, қонун талабларининг устуворлиги таъминланмаётир.

Хўш, гап нимада? Йўл қўйилган камчиликларни эътироф этиб, қонуний бир тўхтамга келишга нима тўсқинлик қилмоқда?

Ҳамма гап Бекобод туманидаги айрим амалдорларнинг масалага ёндошувидаги юзакичиликда. Чунончи, ўша пайтдаги туман прокурори М. Маҳмудовнинг протестини олгач, ҳокимликнинг мутасадди вакили масаланинг моҳиятини, муаммонинг илдизларини ўрганиб чиқдими? Танлов комиссиясига даъвогарлар Ғафур Юсупов билан Абдукарим Йўлдошев тақдим этган ҳужжатларни сўратиб олиб, бафуржа танишдими? Вилоят адлия бошқармасининг тақдимномаси ёки фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг ажримини ўқиб кўрдими?

Агар шу саволларнинг биронтасига ижобий жавоб бўлганида эди, хулоса ҳам бошқача бўлармиди? Ҳатто, туман комиссиясининг 2005 йил 26 июль куни ўтган йиғилиши баённомаси билан ҳам танишиб кўрилмаган. Мазкур йиғилиш 12,1 гектар экин майдонини А. Йўлдошевга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилиши мақсадга мувофиқ, деган хулосага келганди. Ушанда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи, комиссия раиси М. Аъзамов шундай деган эди:

– Энг ачинарлиси, 1988 йилдан 2003 йилгача оилавий пудрат бошлиғи бўлиб ишлаб, давлат режаларини мунтазам бажариб келган Абдукарим Йўлдошевнинг ҳуқуқи поймол этилмоқда. Ер Ғафур Юсуповга асоссиз бериб юборилган.

– «Деҳқонобод» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси танловни мавжуд меъёрий ҳужжатларнинг талабларига зид равишда ўтказган, – деди шу йиғилишда сўзга чиққан бошқа бир нотиқ – туман ҳокимлигининг ҳуқуқшуноси, туман комиссияси аъзоси М. Умаралиев. – Ғафур Юсуповнинг баллари ноқонуний, суньий равишда ошириб кўрсатилган. Унинг меҳнат дафтарчаси қалбакилаштирилган. Оиласидаги ишловчилар кўпайтириб кўрсатилган.

Ҳужжатлар билан яхши таниш эмаслиги, масалани моҳият жиҳатидан ўрганишга қунт қилмаганлиги ҳоким вазифасини вақтинча бажарувчи М. Сайдуллаевга панд берди ва у туман ҳокимининг Абдукарим Йўлдошевга 12,1 гектар ер майдонини ажратиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш хусусидаги қарорни имзолади.

Шу ўринда ўз фермер хўжалигини барпо этиш орзусида юрган Абдукарим Йўлдошевнинг сабр-қаноати, бардоши ва қатъиятлилигини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Қайта ташкил этиш комиссияси раҳбарлари, туман судҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари айрим масъул ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари унинг кўнглини совутиб, ўз олдига қўйган мақсадидан бездириб юбормади. Аксинча, чиниқтирди. Ҳуқуқий маданияти ўсди. Унинг қарорини, орзу-мақсадларини яна ҳам қатъийлаштирди. Энди у уч йил илгариги Абдукарим Йўлдошев эмас.

Бу орада туман прокурорлигига Шавкат Раҳматов тайинланди. У дарҳол ўринбосари Равшан Қўчқоровга Абдукарим Йўлдошевнинг аризаларини қонунан кўриб чиқишни топширди. Лекин аввалдан бу шикоят аризаси юзасидан қонуний чоралар кўрилишини пайсалга солиб келган амалдорлар ишни яна чўзиб, масалани ҳал қилишни охирига етказмадилар.

– Кута-кута бўлмагач, туман прокурори билан яна учраштим, – дейди Абдукарим Йўлдошев. – У киши арзимни батафсил эшитди, далиллаким билан атрофлича танишиб чиқди. Унинг масала моҳиятига кириб боришга интилиши, ҳужжатларни синчиклаб ўрганиши менга далда берди, руҳимни кўтарди.

Прокурор Шавкат Раҳматов ҳужжатлар билан тўла танишиб чиқиб, 12-лойиҳавий контур бўйича ўтказилган барча танловлар чоғида қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлигини аниқлади. Жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларига ер участкаларини бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг 2006 йил 17 май куни ўтказилган йиғилишида комиссиянинг саккиз аъзосидан олти киши қатнашмаган. Ўша қайта танловда «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тўғрисида»ги низом талаблари қўпол равишда бузилган. Танловга талабгор Ғафур Юсупов тақдим этган меҳнат дафтарчасида 1981 йил 1 январдан бошлаб бу киши бригада бошлиғи бўлиб ишлаганлиги қайд этилган. Прокурор ўрганиши давомида эса, у бу лавозимда умуман ишламаганлиги, иш стажи сунъий равишда кўпайтирилганлиги аниқланди. Шунингдек, талабгор Ғафур Юсупов танловга «МТЗ-80» трактори борлиги ҳақида ҳужжат тақдим қилган. Ҳолбуки, бу трактор аслида фуқаро Баҳодир Бегматовга тегишли бўлган. Юсупов яна бир қинғирликка ҳам қўл урган: оиласида ўн ишловчи бўлгани ҳолда 16 ишловчи борлиги ҳақида комиссияга ҳужжат топширган. Шундай ноқонуний йўллар билан унга асоссиз равишда ортиқча 6 балл берилган.

Туман прокурининг 2006 йил 24 августда туман ҳокими Т. Комиловга киритган протестидан: «Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 38-моддасини қўллаб:

– Бекобод туман ҳокимининг Ғ. Юсуповга фермер хўжалигини ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги 2006 йил 30 июнь кунги 199-сонли қарорини;

– «Деҳқонобод» фермерлар уюшмасидаги 12-лойиҳавий контур (61,2 гектар экин майдони) бўйича қайта танлов ўтказиш йўли билан фермерни аниқлашингизни талаб қиламан».

Куни кеча таҳририятга Абдукарим Йўлдошев кириб келди: «Қайта танловга Юсупов қўйилмайдиган бўлди».

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармасининг бошлиғи Ш. Саидовнинг 3 сентябрдаги хатидан: «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тўғрисида»ги Низомнинг 25-бандига кўра танловда иштирок этиш учун ёлғон маълумотлар ва сохта ҳужжатлар тақдим этган шахслар танловда иштирок этишга қўйилмайди».

Ниҳоят, уч йиллик сарсон-гарчиликка нуқта қўйиладиган бўлди. Энди ҳамма гап деҳқон ва фермер хўжаликларига ер участкалари бериш масалаларини кўриш туман комиссиясида қолди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Тажриба

МУВАФФАҚИЯТ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

Бозор муносабатлари барча соҳаларда давр ва одамлар эҳтиёжига жавоб берадиган янги тадбиркорлик турлари, бошқача қилиб айтганда, шу кун ва истиқболда талаб кучли бўладиган ишлар билан шуғулланишга даъват этмоқда. Меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида олиб борилаётган маданий-маърифий ишларга ҳам шундай талаблар қўйилаётир.

Ишчи-хизматчилар, умуман, шаҳримиз аҳолисига маданий хизматни ташкил этишга биз шу нуқтаи назардан ёндошмоқдамиз. Айни шу ҳолат ҳозирги мураккаб босқичда ҳам «Металлург» маданият саройи бир маромда фаолият кўрсатишини таъминлаётир. Чунончи, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ёки қисман пуллик хизматларга ўтганимизга 10 йилдан ошди. Тушган маблағларни асосан маданият саройимизнинг равнақи, бадиий-ҳаваскорлик гуруҳларининг аъзолари учун кийим-кечаклар тикиш ва харид қилишга сарфламоқдамиз. Либосларни тўғарак ва бадиий-ижрочилик дасталаримизнинг иштирокчилари тикишяпти.

«ОКМК» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви билан касаба қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига биноан маданият саройининг хўжалик харажатлари, асбоб-анжомлар билан таъминлаш масалалари, шаҳримизда яшовчи одамлар «Фарҳод» эркаклар хори, «Ритм» эстрада-рақс, «Радуга» халқ цирки, «Рус қўшиғи» хори, «Камалак» жамоалари ва «Сюрприз» болалар рақс театрида ўз ижрочилик маҳоратларини сайқаллаштираётир.

Масалан, «Ритм» эстрада-рақс жамоасини олиб кўрайлик. Унинг ташкил этилганига йигирма беш йил бўлаяпти. Бу жамоамизнинг шаклланишида Тошкент эстрада цирк санъати студиясининг битирувчиси Е. Шмаконинг хизматлари катта бўлди. Жамоа раҳбари бу санъат турининг элликдан ортиқ ихлосманди билан қатъий режа асосида машқлар ўтказади. Бунда замонавий ижро ва саҳна воситаларидан кенг фойдаланилади. Жамоа репертуари жаҳон халқлари ва замонавий эстрада рақслари, хореографик томошаларни ўз ичига олади. Бу хилмахиллик ва юксак ижрочилик маҳорати, ҳар бир ҳаракатнинг ниҳоятда жозибалилигига эришилганлиги томошабинлар томонидан кенг эътироф этилаётир.

Мустақиллик йилларида жамоанинг репертуари кўплаб янги саҳна асарлари билан бойиди. 2000 йили «Алибобо ва қирқ қароқчи» музикали хореографик эртаги, 2001 йили «Маугли» эртаги саҳналаштирилди. Жамоа вилоят ёшларининг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остида 2005 йили ўтказилган фестивалида, «Металлург» стадионида ўтказилган рок-фестивалда муваффақиятли иштирок этди. Ўтган мавсумдаги ҳисобот концертимизни эса бу жамоа «Синдбоднинг саёҳати» шоу-спектакли билан якунлади. Унинг ҳар бир концерт дастури, мусиқали саҳна томошалари ўзининг юксак савияси, иштирокчиларнинг маҳорати билан ажралиб туради.

Бошқа ҳаваскорлик жамоаларининг фаолияти ҳам мана шундай тўлақонли бўлиб, юқори ижрочилик савияси билан диққатга сазовор. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши бу йил бир қатор бадиий ҳаваскорлик жамоаларимизга «Намунали бадиий жамоа», «Халқ бадиий-ҳаваскорлик жамоаси», «Намунали цирк жамоаси» унвонларини берганлиги бунинг далилидир.

Шундай қизғин ижодий ишлар туфайли маданият саройимиз Олмалиқ шаҳридагина эмас, балки вилоятимизда йирик маданият марказлардан бирига айланди. Бадиий-ижрочилик дасталаримиз ўзбек, рус, татар ва бошқа халқларнинг қўшиқ ва рақсларини сайқаллаштириб, қизиқарли, юқори савияли концерт дастурларини тайёрлашга эришмоқдалар. Улар ўз ижрочилик санъатларини корхонамиз цехлари, «Нуроний» фахрийлар уйи, «Саховат» уйи, «Олеся» истироҳат боғи, «Тонг» ёзги болалар оромгоҳларидаги чиқишларида кенг намойиш этишаётир. Бадиий жамоаларимиз Чодак шаҳарчаси, Навоий ва Ангрен шаҳарларида ҳам концертлар уюштиришди.

Ҳеч бир муваффақият ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Унга қунт, чидам, сурункали меҳнат, тинимсиз изланишлар орқали эришилади.

Вера НАЙМУШИНА,
«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти «Металлург» маданият саройининг директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ташаббус

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Ҳеч бир иш ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳаммаси изланишга, пухта режалар тузиб, изчил амалга оширишга боғлиқ. Ташаббус, ғайрат етарли бўлса, ҳар қандай ишда ютуқларга эришаверилади.

Бизнинг «ДЕКА» қўшма корхонамиз ҳаёти, касаба қўмитамизнинг фаолияти бу фикрни тасдиқлайди. Корхонамизда 150 ходим меҳнат қилади. Касаба қўмитамиз маъмурият билан елкама-елка ҳаракат қилиб, меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган ташаббуслар билан чиқмоқда. Натижада ишловчилар ўртасида ҳамжиҳатлик, меҳнат унумдорлигини оширишга интилиш кучаймоқда. Табиийки, бундай саъй-ҳаракатларнинг натижаларидан, аввало, ходимларнинг ўзлари манфаатдор бўлишяпти.

Ташкилотчилик ишлари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида айниқса қизғин тус олди. Корхонамиз 12-болалар боғчасига муттасил оталиқ ёрдами кўрсатаётир. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 500 минг сўм миқдорида ёрдам пули ажратдик. Уруш ва меҳнат фахрийларини ҳам ҳамиша эъзозлаб келаяпмиз.

Касаба қўмитасининг ташаббуси билан спорт мусобақалари ўтказилиб, биргаликда дам олишлар уюштирилмоқда. Спорт мусобақаларини ташкил этишга ойнага сайқал берувчи Ислом Иброҳимов ҳамиша бош-қош бўлмоқда.

Корхонадаги маънавий муҳит меҳнат унумини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга ўз таъсирини кўрсатаётир. Ходимларимизнинг асосий қисми бўлган йигит-қизлар касб маҳоратларини ошириб бориб, меҳнатда тобора юқори натижаларга эришмоқдалар.

Сафура УМАРОВА,
Чирчиқ шаҳридаги «ДЕКА» қўшма корхонаси касаба қўмитаси раиси.

Бўш вақт

ҲАММАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН

Чирчиқ шаҳрида «Нефертити» клуби иш бошлади. У савдо, матлубот корпорацияси ва тадбиркорлар касаба уюшмасининг шаҳар ташкилоти ташаббуси билан «KRONOS TRADING KONSALT» масъулияти чекланган жамияти кўмагида ташкил этилди.

Хотин-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида очилган бу жамият миллатидан қатъи назар, тадбиркорлик, уй хўжалиги билан шуғулланаётган ва турли раҳбарлик ишларида банд бўлган ҳамма ёшдаги аёлларни бирлаштирди.

Бу ерда фақат бўш вақтни кўнгилли ўтказиш эмас, балки янги дўстлар орттириш, кундалик ғам-ташвишларни унутиб, кўнгилли ҳордиқ ёзиш ҳам мумкин.

Клуб ҳузурида ҳуқуқшунос ҳам ишлаяпти. У хотин-қизлар турмуши ва ишидаги кўпгина ҳуқуқий, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бермоқда.

Клубда турли кечалар, хилма-хил кўрик-танловлар, театрларга, концерт залларига маданий экскурсиялар ўтказилаётир. Уларни ташкил этишга М. Низомиддинова бош-қош.

Шунингдек, бу ерда «Шарқ рақслари» соғломлаштириш гуруҳи иш бошлади. «Осиё» қизлар рақс тўгарагига тадбиркор Л. Аъзамова раҳбарлик қилмоқда.

Шундай қилиб, «Нефертити» аёлларнинг маънавий камолотига хизмат қилаётир. Ўз ҳаётини мазмунли ташкил этиш истагида бўлган ҳар бир хотин-қиз бу клубга аъзо бўлиши ва кўнгли истаган машғулот билан шуғулланиши мумкин.

Карим РАҲМОНБЕРДИЕВ.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

СУРАТДА: *«Ўзкимёмаш» акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раисининг ўринбосари Наталия Лагота (чапда) касаба фаоллари билан суҳбатлашмоқда.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Жамоа шартномалари

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК САМАРАСИ

«Агросувқурилиш» кўчма механизациялашган корхонасида иқтисодий ислоҳотлар талаблари асосида иш юритилиб, юқори самараларга эришилаётганлигини бўкаликлар яхши билишади. Бозор иқтисоди шароитига мослашиб, ўзини ўзи бошқариш ва молиявий таъминлашга муяссар бўлаётган бу корхона қисқа муддатда туманнинг илғор ташкилотларидан бирига айланди.

Сирасини айтганда, бунга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Муваффақиятнинг замирида меҳнатни тўғри ташкил этиш, одамларни ҳам ижтимоий, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, шу юмушларни рўёбга чиқаришга асосий омил бўлаётган жамоа шартномаси талабларига оғишмай риоя этиш мужассамланган.

Тўғри, бошқа ташкилотлар сингари бу ерда ҳам муаммолар йўқ эмас. Аммо, корхона касаба қўмитаси раиси Мадраим Матқурбоновнинг ишни Ўзбекистон касаба уюшмаларининг сўнгги қурултойи талаблари асосида йўлга қўйгани камчилик ва муаммоларга барҳам берилишига асос бўлмоқда. Касаба қўмитаси ва иш берувчининг ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши натижасида шу кунгача корхонада меҳнат билан боғлиқ низоли ҳолатлар юз бермади, иш ҳақидан қарздорлик каби муаммолар ўз-ўзидан барҳам топмоқда.

Жамоа шартномаси талабларига тўлиқ амал қилинса ва ҳамкорликда иш юритилса, охир-оқибат корхонада ижобий самаралар бўлиши ҳамда ишчилар моддий манфаат кўриши турган гап. Зеро, касаба ташкилотининг асосий мақсади ҳам, қилаётган ишлари ҳам айнан шунга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқаришга унум киритаётир.

Кейинги йиллар оралиғида касаба қўмитаси ва иш берувчи ўртасида тузилаётган жамоа шартномалари тобора такомиллашиб бормоқда. Унда барча жабҳалар, иш берувчи билан ёлланма ишчи ўртасидаги муносабатлар кенг қамраб олинаяпти. Албатта, буларни рўёбга чиқаришда касаба қўмитаси раисининг иш тажрибаси, ҳар ишни пухта ва пишиқ бажариши ҳамда соҳани яхши ўзлаштиргани қўл келаётир. Мадраим Матқурбонов ана шундай етакчилардан бири. У уч йилдан бери «Агросувқурилиш» корхонасида меҳнат қилиб келмоқда. Корхона жамоаси уни икки йил бурун касаба ташкилоти етакчилигига сайлаган. Очиғи, Мадраим ака аввалига: «Бирон йил ишлаб берсам бўлди-да, кейин ўз ишимни қилавераман», деб ўйлаганди. Касаба ташкилотига етакчилик сиртдан қараганда тинч, осойишта кўрингани билан ҳамкасбларинг ташвиши ва қувончлари билан бўлиб, ўз-ўзидан ишга кўмилиб кетганингни билмай қоларкансан, киши. Ҳар қадамда одамлар учун кераклигингни ҳис қилиб яшай бошларкансан. Кимдир соғлиғини тиклаш учун сиҳатгоҳларга йўлланма олишда ёрдам сўраса, кимдир иш берувчи томонидан бузилган ҳақ-ҳуқуқини тиклашни талаб қилади. Кимдир, ҳатто, оилавий муаммосини дастурхон қилиб ёзади. Хуллас, ҳаммасига улгуришинг, керак бўлганида раҳбар билан талашиб-тортишишинг, ҳамкасбларингни ўз оила аъзоларингдай қабул қилишинг керак.

Бугун Бўкада «Агросувқурилиш» корхонасида ишлашни ҳавас қилиб юрганлар талайгина. Бунинг боиси нимада? Албатта, аввало, моддий манфаатдорлик, корхонада ишчи-хизматчилар учун яратилган меҳнат шароитлари ва қулайликлардадир. Корхонанинг махсус автобуси иш жойидан узоқроқда яшовчи ҳар бир ишчини уйидан олиб келади ва уйига олиб бориб қўяди. Ҳар куни 120 ишчи бепул тушлик билан таъминланади. Ишчи-хизматчи тўй қилса, албатта, корхона раҳбари ва касаба қўмитаси совға-салом билан боради. Бу йил корхонанинг 44 ишчиси Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига зиёратга боришди. Олти ишчи Бўстонлиқ туманининг «Олтин Ёмби» пансионатида ҳордиқ чиқарди. Икки киши «Чинобод» ва «Семурғ» сиҳатгоҳларида ўз соғлиқларини тиклаб қайтишди.

Албатта, буларнинг бари одамлар, уларнинг бахт-саодати учун. Иш берувчи ва касаба қўмитасининг кўзлаган эзгу мақсади ҳам шу. Баракали ва ҳалол меҳнат қилдингми, эъзоз кўраверасан. Биринчи ярим йиллик якунларига кўра, техникани таъмирсиз ишлатган ва сурункали меҳнат қилган экскаваторчилардан А. Бекназаров, М. Ҳасанов ва Э. Товбаев қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Корхона маъмурияти ва касаба қўмитаси Ҳомийлар ва шифокорлар йилида махсус дастурлар ишлаб чиқиб, амалга ошираяпти. Жумладан, меҳнат аҳлига етарлича шароитлар яратиб бериш мақсадида кам таъминланган оилаларга 120 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган бир оилага сигир ва бузоқ олиб берилди. Бундан ташқари, корхона туманни ободонлаштириш ишларига ҳам камарбаста. Ҳар ҳафтада чиқиндиларни чиқариб ташлаш учун маҳаллаларга трактор ва юк машиналари ажратилади.

Хуллас, мамлакатимизда юз бераётган иқтисодий бурилишлар жараёнида иш берувчи билан касаба ташкилоти елкама-елка туриб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ана шундай ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

А. МУРУВВАТОВ,
савдо, матлубот корпорацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вилоят кенгашининг Бўка тумани бўйича вакили.

Тармоқ касаба ташкилотларида

МЕҲНАТ ШАРОИТИ – ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Мустақиллик йилларида вилоятимизда касаба ташкилотларининг таркиби изчил такомиллашиб бораяпти. Бу тармоқларда ходимларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ишончли ҳимояланишига имкон туғдираётир. Жумладан, Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг вилоят бўйича вакиллиги тармоқ корхоналарида тўлақонли иш олиб борилишини таъминламоқда.

Ҳозирги кунда тармоқ корхоналарида иш олиб бораётган 96 та бошланғич касаба ташкилоти ўз сафларида 19600 ишловчини бирлаштириб турибди. Ижтимоий-иқтисодий тизимда туб ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш, жамиятда шаклланаётган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, миллий қадриятимиз ҳамда маънавиятимизни тиклаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар улар фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Барча корхоналарда иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида жамоа шартномалари қабул қилинган. Ҳар бир корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳужжат орқали меҳнаткашларга бир қатор имтиёзлар ва кафолатлар берилмоқда.

Жамоа шартномаларининг мажбуриятларига кўра ходимлар имтиёз тариқасида меҳнат таътилларига қўшимча 3, 6, 9 тўловли иш кунларидан фойдаланишмоқда. Бунинг кўламини илғаб олиш учун асосий меҳнат таътилининг ортиқча қисми учун шу йилнинг биринчи ярмида 112 миллион 109 минг сўм сарфланганлигини айтиш кифоя.

«Тошкент-Тўйтепа-текстиль» масъулияти чекланган жамияти, «Чиноз-Тўқимачи», «Поёндоз», «Бурсел-Тошкент-текстиль», «Я-Дем-текстиль» қўшма корхоналари, «Ангренсаноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамиятида ишчилар учун имтиёзли тушлик овқат ташкил этилган. Ушбу ҳаражатларга шу йилнинг ўзида 460 миллион 225 минг сўм сарфланди.

Ишчиларни ишга ва ишдан уйга олиб бориш учун автотранспорт хизматлари ташкил қилинган. Корхоналар бу мақсадлар учун ҳозиргача 320 миллион 103 минг сўм сарфлади.

Бир қатор корхоналарда жамоа шартномаларига биноан республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақидан 1,5-2,5 марта юқори бўлган миқдорда имтиёз киритилган. «Тошкент-Тўйтепа-текстиль» масъулияти чекланган жамияти, «Чиноз-Тўқимачи» қўшма корхонаси, «Тошкент вилоят ҳудудий газ таъминот» корхонаси, «Ғунча», «Ангренсаноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамиятлари ва бошқа бир қатор корхоналарнинг ишчи-хизматчилари шундай имтиёздан фойдаланиб келишмоқда.

Ҳозирги кунда иш ҳақининг вақтида тўланиши долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Вилоят вакиллиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида қарздорликни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бошланғич касаба ташкилотлари бу борада иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш борасида касаба уюшмаларининг намунавий ҳаракат тартиби бўйича иш олиб бормоқдалар. Вилоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш-акциядорлик жамияти, «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш корхоналарида ишчиларга маош тўловидан қарздорликни тугатиш мақсадида корхона раҳбарларига талабномалар қўйилмоқда.

Бу корхоналарда катта миқдорда дебитор қарзлар борлиги сабабли иш ҳақидан қарздорлик мавжуд. Бу муаммо ўз вақтида ҳал этилмаганлиги учун корхоналар раҳбарлари ишдан озод этилди. Бунинг натижасида «Сувоқава» корхонасига тайинланган янги раҳбар иш ҳақидан қарздорлик масаласига жиддий қараб, уни 100 миллион сўмга камайтиришга муваффақ бўлди. Вилоят «Иссиқлик манбаи» корхонасида эса прокуратура идоралари ушбу масала бўйича текширув ўтказмоқдалар.

Ҳар бир меҳнаткаш манфаатларини ижтимоий ҳимоялашнинг асоси аввало уни барқарор иш жойи билан таъминлашдир. «Аҳолини иш билан таъминлаш» Давлат дастурини изчил бажараётган тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш асосан бетўхтов бўлиб, ишчилар иш билан барқарор таъминланган. Шу йилнинг бошларида Янгийўл туманида 1320 иш ўринли янги корхона барпо этилди. «Я-Дем-текстиль» қўшма корхонасида бошланғич касаба ташкилоти тузилди. Ҳозирги кунда Қибрай туманидаги 100 иш ўринли янги «Арчи-Фэйшен» қўшма корхонасида касаба ташкилотини тузиш бўйича ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Зангиота тумани «Крахмал» масъулияти чекланган жамияти ва «Янги-Вега» қўшма корхонаси банкротлик натижасида ёпилиб қолди. Ҳолбуки, бу корхоналарда 250 киши ишламоқда эди. Ҳозирда уларни тўла ишга жойлаштириш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Ишловчилар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишини таъминлаш ишлаб чиқаришда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг яна бир муҳим қирраси дир. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишловчилар учун уч босқичда ўқув ўтказилмоқда. Касаба қўмиталари жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича барча мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қиляпти. Иш берувчилар билан биргаликда бу борадаги долзарб масалаларни қараб чиқиб, уларни ҳал қилиш борасида амалий чора-тадбирлар кўрмоқдалар.

Айниқса, хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштириш, ишлаб чиқаришдаги шароитларни яхшилаш учун самарали чоралар кўриляпти. «Бурсел-Тошкент-текстиль», «Чиноз-Тўқимачи» қўшма корхоналари, «Ангренсаноатқалинқоғозсавдо» корхоналарида алоҳида гигиена хоналари ташкил этилган, тиббий-профилактика мақсадида хотин-қизлар кўрикдан ўтказилади. Беморлик аниқланган аёллар корхона ҳисобидан даволанади. Барча корхоналаримизда вояга етмаган боласи бор аёлларга имтиёзли қўшимча таътил кунлари берилмоқда.

Касаба қўмиталаримиз иш берувчилар билан ҳамкорликда жамоа шартномаларига маданий-маънавий тарбия ва спорт масалалари бўйича бир қатор мажбуриятларни киритишга эришишди. Уларнинг бажарилиши таъминланиб, корхоналарда бадиий ҳаваскорлик кўрик-танловлари, спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Умумхалқ байрамларини тантанали нишонлаш тадбирлари ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этилаётир.

Ходимларнинг соғлигини тиклаш ҳамиша диққат марказимизда турибди. Дастлабки олти ой мобайнида 100 дан ортиқ ишчи санаторий, дам олиш уйларида ва санаторий-профилакторийларда даволанди. Ёз мавсумида ишчиларнинг 950 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида дам олдирилди. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашдек масъулиятли вазифаларни бажаришда касаба қўмиталарига ҳар томонлама ёрдам кўрсатаётирмиз.

Ирода РАЖАБОВА,
Ўзбекистон Енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг вилоят бўйича вакили.

Саҳифа материалларини Ўзбекистон касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВлар тайёрлашди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Шарқнинг Ўрта асрлар меъморчилиги андозалари асосида қурилиб, дилларни ром этувчи безаклар билан сайқалланган Темурийлар тарихи давлат музейи очилгандан буён ўтган йиллар давомида республикамизнинг юз минглаб томошабинларини, жумладан, ёш авлод ва хорижий фахрий меҳмонлар, сайёҳлар севиб томоша қилувчи табаррук қадамжолардан бирига айланди.



Музей экспозициялари орқали томошабин Амир Темур ва унинг авлодлари олиб борган буюк бунёдкорлик санъати бобидаги яратувчанлик ишлари, савдо-содиқ каби юмушлар билан боғлиқ масалалар акс эттирилган ашёвий экспонатлар билан танишишлари мумкин.

Ҳозирги кунда музей экспонатлари сони тўрт баробарга кўпайди. Уларнинг кўпайишига асосан Президентимизнинг музей экспозициясини ноёб ашёлар билан бойитиш йўлидаги ғамхўрлиги бўлса, музейга ташриф буюраётган фахрий меҳмонларнинг, шунингдек, республикамиздаги ёшу қари фидойи инсонларнинг тортиқлари сабаблидир.

Ноёб тарихий ашёларни йиғишда турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган музей раҳбарияти музей экспозицияси ва фондларини бойитиш йўлида илмий экспедициялар ҳам ташкил этмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Шоҳрухия номли ёдгорлик ҳаробалари, шунингдек, Юқоричирчиқ туманидаги Кавардон ёдгорлиги ҳаробаларида археология институти билан ҳамкорликда олиб борилаётган археологик қазув ишлари шулар жумласидандир. Бу қазишмалар натижасида музей янги-янги тарихий экспонатлар билан бойиб бормоқда.

Бугунги кунда турли саналарга бағишлаб маънавий-маърифий тадбирлар, кўргазмалар ташкил этилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида «Ўн йилликка ўн кўргазма» рукни остида музей тарихини, унинг илмий йўналишлардаги фаолиятини ўзида акс эттирган ўнта кўргазма тайёрланди.

Музейда мунтазам равишда ёшлар билан олимлар иштирокида давра суҳбатлари, очиқ дарслар, мавзули экскурсиялар олиб борилмоқда, музей фаолияти билан боғлиқ фильмлар намойиш этилмоқда.

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори музейшуносларнинг ғайратига яна ғайрат қўшди. Қарорнинг бандларидан бирида аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш муҳимлиги таъкидланган. Шу кунларда Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабаларининг маълум бир жадвал асосида имтиёзли равишда мунтазам музейга ташрифлари ва бунда амалий дарслар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг ташрифи йўлга қўйилди ва талабаларга намунали хизмат кўрсатилмоқда.

Ҳозир дунёнинг барча маърифатли инсонлари ёшларга таълим-тарбия беришда, улар онгига ота-боболар яратган мероснинг бебаҳолигини сингдиришда музейларнинг тарбия ўчоқларидан бири сифатида хизмат этажагини таъкидламоқдалар.

Ўткир АЛИМОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи директорининг муовини.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСЧИЛАР ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика профессионал бокс федерацияси ва "Фавзул-Мунаввар" спорт клуби ҳамкорлигида профессионал бокс бўйича ўтказилган мусобақада ҳамюртларимиз Россия, Украина ва Беларусдан келган чарм қўлқоп усталарига қарши рейтинг жангларини ўтказди.

Пойтахтимизда ташкил этилган профессионал бокс кечасида иштирок этган ўн нафар боксчидан тенг ярми мағлубият нималигини билмай келаётгани кўплаб мухлису мутахассислар эътиборини жалб қилди. "Ўзбекистон" спорт мажмуи мезбонлик қилган мусобақанинг энг кескин ва муросасиз беллашуви Глобал бокс уюшмаси – (GBU) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Алишер Раҳимов ва украиналик енгилмас боксчи Олег Ефимович ўртасида бўлди.

Бунгача барча рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратган Олег Ефимович саккиз раундлик рейтинг жангида ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасига жиддий қаршилик кўрсатди. Профессионал рингда 11 та жанг ўтказиб, барчасини ўз фойдасига ҳал қилган Алишер Раҳимов рақибининг кетма-кет ҳужумларидан муваффақиятли ҳимояланиш билан бирга, ўзи ҳам қўплаб аниқ зарбаларни йўллашга эришди. Муросасиз курашларда ўтган беллашув натижасига кўра, Алишер Раҳимов ҳакамлар томонидан ғолиб, деб топилди.

Яна бир енгилмас вакилимиз Фарҳод Бакиров ҳам зафарли одимини давом эттирди. Профессионал рингда 54 та жанг ўтказган россиялик Сергей Старковга қарши рингга чиққан тошкентлик боксчи рақибини очқолар ҳисобида мағлубиятга учратиб, йигирма учинчи ғалабасини нишонлади.

Турнир давомида Андижон бокс мактаби тарбияланувчилари – Қувончбек Тойғонбоев ва Ғайрат Аҳмедов иштирокидаги жанглар ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Профессионал боксчилик фаолиятида йигирма саккизинчи учрашувини ўтказган Қувончбек Тойғонбоев беларуслик Александр Воевода билан куч синашди. Беллашувда рақибидан тажриба ва маҳорат бобида устунлигини исботлаган боксчимиз зафар қучди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Хоржда...

ALITALIA ИНҚИРОЗ ЁҚАСИДА

Италиянинг Alitalia авиакомпанияси 2006 йилнинг биринчи ярмини молиявий зарар билан якунлади. Мамлакат Бош вазири Романо Проди компаниянинг молиявий аҳволини баён қилар экан, унинг тизгиндан чиқиб кетганини таъкидлади.

Р.Продининг маълум қилишича, Alitalia уч ой ичида танглик ҳолатидан чиқиб кетишнинг фавқулодда чорасини кўрмаса, таназзулга учрайди. У компания касаба уюшмаси аъзолари билан учрашувда Alitalia айни пайтда ўз тарихидаги энг оғир кунларни бошидан кечираётганини айтди.

Аслида Alitalia бир йилдан буён молиявий муаммолардан азият чекмоқда. Ўтган йили у 167 миллион евро зарар кўрган эди. Бу йилги аҳвол янада ёмон. Ҳозирча зарар миқдори аниқ эмас. Журналистлар унинг 300 миллион еврога яқинлашиб қолганини эълон қилди.

Бир муддат олдин Европада учта йирик авиакомпания – Alitalia, AirFrance ва KLM бирлашишга келишиб олган эди. Энди ҳамкорлар Alitalia ўз муаммоларини ҳал қилмаса, бирлашиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини айтмоқда.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Меҳмон-меҳмон ўйнаймиз,
Эл одатин қўймаймиз.
Сен келинчак, сен она —
Ота бўлиб сўйлаймиз.

Тамал тошин қўйганмиз,
Шу ўлкани суйганмиз.
Тотувликка не етсин,
Меҳмон-меҳмон ўйнаймиз!

Даврон АҲМАД
сурат-лавҳаси.

«ЧЕЛСИ» ДАРВОЗАБОНСИЗ ҚОЛДИ

Англия премьер лигасида бўлиб ўтган «Ридинг» – «Челси» учрашувида лондонликлар дарвозабонсиз қолди. 1-дақиқадаёқ «Челси» посбони Петр Чех жиддий жароҳат олиб, майдонни тарк этди. Унинг ўрнига майдонга чиққан Карло Кудичини ҳам сўнгги дақиқаларда «Ридинг» вакили Ибрагим Санко билан тўқнашиб кетди. «Челси» барча захира имкониятларидан фойдаланиб бўлганлиги туфайли дарвозани ўйинчи Жон Терри қўриқлашга мажбур бўлди.

«Аристократлар»нинг 3-дарвозабони португалиялик ёш дарвозабон Илариу ҳисобланади ва у чемпионлар лигасида «Челси» дарвозасини қўриқлаши мумкин.

ҲАКАМ АЙБДОРМИ?

Жанубий африкалик ҳакам Энох Радебе «келишилган» ўйинларни ташкил этишда айбланмоқда. 2004 йилнинг апрелида «Голден Эроуз» — «Аякс Кейптаун» баҳсида у бош ҳакам ва ён ҳакамларга пора таклиф этган. Радебе аввалари ҳам 2 марта коррупцияда айбланган. Унинг иши бўйича ҳукм 18 октябрь, яъни бугун ўқилади. Тахминларга кўра, уни 18 йиллик озодликдан маҳкум этиш жазоси кутмоқда.

«КРЕМЛЬ КУБОГИ» ФИНАЛИ

15 октябрь куни Москвада «Кремль кубоги» турнирининг финал учрашувлари бўлиб ўтди. Унда икки россиялик теннисчи тўқнаш келишди. Муросасиз кечган баҳсда Николай Давыденко Марат Сафинни 6:4, 5:7, 6:4 ҳисобида енгди ва иккинчи марта «Кремль кубоги» бош совринини қўлга киритди.

ЎзМУ талабаси
Нодира ОЛИМОВА тайёрлади.

Жажжи ҳикоялар

ОҚ ЎРИК

Ҳовлимизнинг ўртасида бир туп оқ ўрик ўсади. Ҳар йили баҳорда у барвақт гуллайди. Шунда жонимни ҳовучлаб қоламан: «Оҳ, ёмғир ёғмасайди, совуқ бўлмасайди, тезроқ мева тугиб олсайди...». Лекин, барибир ёмғир бошланиб кетади, баъзан эса, қорга айланади.

Мана, қор аралаш ёмғир ёғаяпти. Ўрик бечора бодроқдек сочилиб турган оппоқ, нозик гулларини қаерга яширишни билмай дийдираб турибди.

Ҳа, биринчи бўлиш оғир...

АНЖИР

Ҳовлимизда бир неча туп анжир бор. Рўпарамизда ўсгани учун унга кўп разм соламан. Ҳар баҳорда уларнинг тарвақайлаб кетган ғадир-будур шохчаларида анжир мевалари бўртиб чиқа бошлайди. Ҳа, анжир аввал бошданоқ мева тугади, кейин куртагу япроқ чиқаради. Дарахт шу нишоналарни авайлаб, офтобда тоблаб, керагида шапалоқдай япроқлари билан соялаб, олтинсимон товланадиган, ичидан бол томиб турадиган меваларга айлантиради.

МАЪСУМ ДАРАХТЛАР

Нима бўлди-ю, девор-дармиён қўшнимиз билан муросамиз келишмай қолди. Ўртада «кирди-чиқди» йўқ, кўрганда кўрмаганга олинади ёки тескари қараб кетилади. Гўё бизларнинг орамизни баланд, қалин хитой девори ажратиб турарди. Аслида эса, ўртамизда пасттаккина ғиштли девор бор эди, холос. Бир куни қарасам, девор устида ҳар икки тарафдаги дарахтларнинг шохлари чирмашиб ётибди. Бизнинг ўригимиз катта бир шохини қўшнининг ҳовлисига қараб ёзиб юборган. Ён қўшнининг олмалари эса, бизникига ўтиб меваларини осилтириб турарди.

Маъсум дарахтлар уруш-жанжал нималигини билишмасдида...

ВИДОЛАШУВ

Ҳовлимизда ўсган катта ўригимиз йиллар ўтиб қариди. Мевалари ҳам олдингидек ширин эмас эди. Табиатнинг вақт деб аталмиш буюк ҳаками ўз ҳукмини шу бечора дарахтга ҳам ўтказганди.

Бир куни тунда озгина ёмғир ёғдию, шамол турди. Ярим кечаси ҳовлимизда нимадир гупиллади. Уйғониб қарасак, ўрик йиқилиб ётибди. Буни қарангки, у жуда катта, баҳайбат бўлишига қарамасдан, беозоргина қулабди: бирор уйга ёки дов-дарахтларга зарар келтирмай, худди чарчаган қариядек бир томондаги деворга ёнбошлабди-қўйибди.

Биз қадрдон ўрикни авайлаб арраладик. Йўғон танасидан стол ясаб ҳовлимизга қўйиб қўйдик. У ўригимиздан ёдгор бўлиб турибди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ОҲАНГАРОН ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ

К-700 маркали трактор ва трейлер сотиб олиш бўйича тендер эълон қилади.

Ҳужжатлар шу йилнинг 25 октябрига қадар қабул қилинади.

Манзил: Ангрен шаҳри, 2/2-даҳаси, ЯШН.
Телефонлар: 6622816, 401-31-61, факс: 6622882.

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 18 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-13, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан айрим жойларда кучли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 8-13, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан айрим жойларда кучли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 3-8, кундузи 7-12 даража иссиқ бўлади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ИССИҚХОНА ВА ТОМОРҚА, ГУЛ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ДЎКОН ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Оққўрғон тумани «Қишлоқхўжаликкимё» филиали

юқори сифат билан тайёрланган ва минерал ўғитлар билан бойитилган, чекланмаган миқдордаги компост маҳсулотини келишилган нархларда сотади.
Ҳақиқий деҳқонгина компостнинг ҳар қандай экин учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини билади.
Транспорт воситаси зарур бўлган мижозларга маҳсулот манзилига етказиб берилади.
Тўлов тури сиз хоҳлаган усулда амалга оширилади.

Бизнинг манзил:
Оққўрғон тумани, Х. Олимжон номли фермерлар уюшмаси ҳудуди.
Телефонлар:
109-63-56, 126-35-08, 55-21-495.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби" Р-2145-сонли Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган

директор лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Тошкент Давлат техника университети қошидаги Янгийўл шаҳар академик лицейи	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Маърифат кўчаси, 62-уй. Инд: 700800

II. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги 2005 йил 28 март 1461-сонли "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш ҳақида"-ги қарорига биноан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган

таълим муассаса директорининг ўринбосари лавозимига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Бўстонлиқ тумани қурилиш ва коммунал хўжалиги КҲК;
2. Тошкент тумани Кенсой қишлоқ хўжалиги КҲК.

2. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Олмалиқ шаҳар хизмат кўрсатиш КҲК;
2. Пскент тумани қишлоқ хўжалиги КҲК.

III. Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог иш стажига эга, таянч маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

IV. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);
3. Таълим муассаса директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);
4. Сўровнома;
5. Таржимаи ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси;
7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
9. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режаси (концепция);
11. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеронусхаси;
12. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (тураржойи билан);
13. Меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси;
14. Олдинги ёки ҳозирда ишлаб турган иш жойидан тавсифнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони. Телефон: 66-09-59.

1997 йил 11 апрелда Мирзамухамедова Хикоят Махаматовна номига берилган 09-02/9917 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент тумани «Қизғалдоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «М. Фозилов-Бахтли Сут» МЧЖга қарашли чорва фермаси сотилади.

Мурожаат учун телефон: 103-03-64.

Яккасарой туманидаги «Ракат» маҳалласига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1240. Адади 3467. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.40. 1 2 3 4 5